

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Ички аудит бўлими
фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

2024 йил 15 ноябрь

Тошкент шаҳар

I. Умумий маълумотлар ва баҳолаш натижаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 августдаги 377-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида низом ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 13 февралдаги 23-32-сон буйруғига асосан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Ички аудит бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим) фаолиятини ички аудит фаолиятига оид қонунчилик хужжатларига риоя этилиши бўйича баҳолаш (кейинги ўринларда - Баҳолаш) амалга оширилди.

Баҳолашни амалга оширишдан максад Бўлим фаолиятининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик хужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

Баҳолаш 2024 йилнинг 11 ноябридан 15 ноябрига кадар амалга оширилди.

Баҳолаш жараёнида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат органларининг ички аудит тузилмалари фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармасининг бошқарма бошлиғи А. Жабборов, бўлим бошлиқлари М. Жалолиддинов ва А. Исмоилов, бош мутахассиси П. Мўминов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Ички аудит бўлими бошлиғи Б. Ахмедовлар иштирок этди.

Бўлимнинг фаолиятини баҳолаш жараёнида қуидаги йўналишлар камраб олинди ҳамда хавф омили вазни белгиланди:

ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустакиллiği ҳамда ресурслар билан таъминланиши ҳамда унинг хавф омили вазни 0,10;

вазирлик ва идораларда ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли хужжатлар ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши (ички аудит хизмати тўғрисидаги низом, ички аудит хизмати ходимларининг лавозим ўриқномалари ва бошқалар) ҳамда унинг хавф омили вазни 0,10;

ички аудит йиллик режасининг хавф тахлили асосида ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши ҳамда унинг хавф омили вазни 0,20;

ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик хужжатларига мувофик ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг хавф омили вазни 0,20;

Ўтказилган ички аудит тадбирларининг самарадорлиги, таклиф ва тавсияларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режасининг ички аудит объектлари томонидан бажарилиши ҳамда унинг хавф омили вазни 0,20;

ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси ҳамда унинг хавф омили вазни 0,15;

ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа масалалар ҳамда унинг хавф омили вазни 0,05.

Баҳолаш жараёнида Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича саволномага балл берин орқали Бўлимнинг сифат даражаси аниқланди.

Бўлим Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг (кейинги ўринларда – Телерадиокомпания) марказий аппаратида 6 та штат бирлигидан иборат мустақил тузилма сифатида ташкил этилган бўлиб, унда 6 нафар ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлган ходим фаолият юритиб келмоқда.

Бўлим ўз фаолиятида Телерадиокомпаниянинг марказий аппарати таркибий бўлинмаларини ҳамда тизимдаги жами 30 та худудий бўлинмалар, ташкилотлар ва муассасаларни камраб олган.

Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Телерадиокомпаниянинг буйруқлари ҳамда Ички аудит бўлими тўғрисидаги низомга асосан амалга оширади.

Бўлимнинг ички аудит тадбирлари Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси раиси (кейинги ўринларда – Раис) томонидан тасдиқланган йиллик режага асосан амалга оширилади.

П. Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича саволномага балл берин натижалари.

Баҳолаш жараёнида Бўлим фаолиятини Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича саволномага балл берин орқали баҳоланди (1-илова).

Баҳолаш натижасига кўра, Бўлим фаолиятининг баҳолаш натижаси бўйича сифат даражаси **81,4** фоиз – “ўрта” даражада баҳоланди.

Саволнома юқорида келтирилган йўналишлар бўйича ишлаб чиқилди ҳамда куйидагича баҳоланди:

1. Ички аудит хизмати фаолиятиниң белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши бўйича (йўналиш вазни 0,10).

Мазкур йўналиш бўйича 10 та савол 0-2 балл оралигига баҳоланди. Бунда, саволларга берилган жами балллар йигиндиси 20 баллни ташкил этди (100 фоиз).

Ушбу йўналиши бўйича баҳолани натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Бўлим Телерадиокомпаниянинг 2023 йил 23 февралдаги 29-сонли буйруғи билан Телерадиокомпаниянинг марказий аппаратида 2 та штат бирлигидан иборат мустакил таркибий тузилма сифатида ташкил этилган.

Телерадиокомпаниянинг 2024 йил 12 июлдаги 19-сонли буйруғига асосан Ички аудит бўлимига қўшимча штат бирликлари киритилган холда унинг штат бирликлари сони 6 та этиб белгиланган.

Телерадиокомпаниянинг Ички аудит бўлими низоми (кейинги ўринларда – Низом) Телерадиокомпаниянинг 2023 йил 69-сон буйруғи билан тасдиқланган. Мазкур Низомда Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш, унинг вазифалари ва функциялари, хукуклари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда ҳисобдорлиги белгиланган.

Шунингдек, Низомда Бўлим Телерадиокомпаниянинг асосий фаолияти натижаларига жавобгар ҳисобланмаслиги ҳамда асосий фаолият йўналишидан ташқари конун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб ўтилган.

Низомнинг 2-боб, 9-бандида Бўлимнинг бевосита биринчи раҳбарга бўйсунуви ҳамда унинг фаолиятига Телерадиокомпаниянинг бошқа мансабдор шахслари, шунингдек, бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари аралашувига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Баҳолаш жараёнида, Бўлим фаолиятига оид ҳужжатлар (низом, йиллик режа ва бошқалар) Телерадиокомпания раиси томонидан ўз вақтида тасдиқланганлиги аниқланди.

Шунингдек, Бўлим ўз фаолиятини амалга ошириш учун етарли инсон ресурсларига ҳамда ўз фаолиятини амалга ошириш учун етарли моддий-техника базасига эга эканлиги маълум бўлди.

2. Вазирлик ва идораларда ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши (ички аудит хизмати тўғрисидаги низом, ички аудит хизмати ходимларининг лавозим йўриқномалари ва бошқалар) бўйича (йўналиш вазни 0,10).

Мазкур йўналиш бўйича 8 та савол 0-2 балл оралигига баҳоланди. Бунда, саволларга берилган жами баллар йигиндиси 16 баллни ташкил этди (100 фоиз).

Ушбу йўналиши бўйича баҳолани натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Телерадиокомпаниянинг Ички аудит бўлими Низоми Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган “Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низом”га мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган. Низомда Бўлим ходимларининг манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик, жумладан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чораларини кўриш бўйича бандлар белгиланган.

Шунингдек, Ички аудит бўлими ходимларининг лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва Телерадиокомпаниянинг 2023 йил 69-сон буйругига асосан тасдиқланган.

Мазкур Бўлим ходимларининг лавозим йўриқномаларида ходимларнинг вазифалари ва функциялари, хукуклари ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгилаб ўтилган.

Бўлим низоми ҳамда ходимлар лавозим йўриқномаларида ички аудит бўлимининг тўғридан-тўғри Телерадиокомпания раисига ҳисобдор эканлиги белгилаб ўтилган.

3. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши (йўналиш вазни 0,20).

Мазкур йўналиш бўйича 5 та савол 0-2 балл оралигида баҳоланди. Бунда, саволларга берилган жами балллар йигиндиси 8 баллни ташкил этди (80 фоиз).

Ушбу йўналиш бўйича баҳолани натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Бўлим томонидан 2024 йил учун ички аудит йиллик режаси хавф таҳлили ўтказилган ҳолда ишлаб чиқилган, бироқ хавф таҳлилини амалга оширишда барча ички аудит обьектлари тўлиқ камраб олинмаган.

Йиллик режани ишлаб чиқишда хавф таҳлили ўтказилган ички аудит обьектларининг барчаси йиллик режага тўлиқ киритилган ва Телерадиокомпания раиси тасдиқланган.

Бунда Ички аудит бўлимида йиллик режага киритилган ички аудит обьектларида аудит тадбирларини ўтказиш учун ресурслар етарли ҳисобланади.

Ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқишда режадан ташқари ички аудит тадбирларига ажратиладиган вакт ресурслари учун жами вакт ресурсларининг ҳисоб-китоби амалга оширилган.

4. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши (йўналиш вазни 0,20).

Мазкур йўналиш бўйича 5 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда, саволларга берилган жами балллар йигиндиси 10 бални ташкил этди (100 фоиз).

Ушбу йўналиши бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Баҳолаш жараёнида Бўлимдан 2024 йилда ўтказилган ички аудит тадбирларидан танланма усулда З тасига (*Навоий вилояти телерадиокомпанияси, Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси ва "Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази" ДМ*) оид хужжатлар олинди ҳамда мазкур аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши ички аудитга доир амалдаги қонунчилик хужжатларига асосан ўрганилди.

Ўрганиш натижасида, мазкур танланган ички аудит тадбирлари учун белгиланган тартибда ластур ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, тадбир натижалари “Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси”(AB-3406)га мувофиқ расмийлаштирилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, мазкур аудит тадбирлари натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳисботларда Ички аудит бўлимиининг таклиф ва тавсиялари билдирилганлиги ҳамда ички аудит обьектларининг ўтказилган аудит тадбирлари юзасидан фикр-мулоҳазалари билдирилганлиги аниқланди.

Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга (ВМҚ-416) асосан Бўлим томонидан унинг фаолияти тўғрисидаги 2023 йил учун йиллик ҳамда 2024 йилнинг чораклик ҳисботлари Йқтисодиёт ва молия вазирлигига мунтазам равишда ва ўз вақтида тақдим этилиб келинган.

5. Ўтказилган ички аудит тадбирларининг самарадорлиги, таклиф ва тавсияларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режасининг ички аудит обьектлари томонидан бажарилиши (йўналиш вазни 0,20).

Мазкур йўналиш бўйича 7 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда саволларга берилган жами балллар йигиндиси 9 бални ташкил этди (64 фоиз).

Ушбу йўналиши бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Танланма усулда кўрилган ички аудит тадбирлари натижалари бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар режаси тузилган (тасдиқланган) ҳамда унда ички аудит бўлими томонидан ушбу аудит тадбирларида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар киритилган.

Ички аудит бўлими томонидан аудит тадбирлари натижалари бўйича расмийлаштирилган чора-тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан мониторинг йўлга қўйилган ҳамда чора-тадбирлар режасининг бажарилиш кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Ички аудит бўлимининг йиллик режаси ҳамда 2024 йил 9 ойлик ҳисоботига кўра, Бўлим томонидан йиллик режанинг бажарилиши 90 фоиздан паст кўрсаткични ташкил этган.

Шунингдек, Ички аудит бўлимининг 2024 йил фаолияти бўйича 9 ойлик ҳисоботига кўра Бўлим томонидан конунчилик хужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) ишлари ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудит тадбирлари амалга оширилмаган.

6. Ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси (йўналиш вазни 0,15).

Мазкур йўналиш бўйича 4 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда саволларга берилган жами балллар йигиндиси 4 баллни ташкил этди (50 фоиз).

Ушбу йўналиши бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Ички аудит бўлими ходимлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ташкил этилган ички аудит фаолиятига оид семинар ва тренингларда муентазам иштирок этиб келган.

Бироқ, Бўлим ходимлари 2023-2024 йиллар давомида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Ўкув маркази томонидан ташкил этилган малака ошириш курсларида иштирок этмаган.

Хозирда Телерадиокомпаниянинг ички аудит бўлимига қабул қилинган янги ходимларни малакасини ошириши юзасидан Телерадиокомпания томонидан бир катор режалар белгиланган.

Шунингдек, баҳолаш жараёнида, Телерадиокомпанияда ички аудит бўлими ходимларининг Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлари асосида баҳоланиши амалга оширилмаганлиги маълум бўлди.

7. Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар (йўналиш вазни 0,05).

Мазкур йўналиш бўйича 2 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда саволларга берилган жами балллар йигиндиси 4 баллни ташкил этди (100 фоиз).

Ушбу йўналиши бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Бўлим томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан жорий йилнинг ўтган даври давомида ички аудит фаолиятига оид келиб тушган мурожаатлар ижроси тегишлилиги бўйича бажарилиши таъминланган.


Бўлим ходимлари бугунги кунда, Телерадиокомпания тизимидағи мавжуд электрон маълумотлардан хеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиб келмоқда.

III. Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар.


Баҳолаш натижалари асосида қўйидаги йўналишларни ўз ичига олган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Ички аудит бўлими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳаси (2-илова) ишлаб чикилди:

1. Ички аудит йиллик режасини ишлаб чикишда хавф таҳлилини амалга оширишни такомиллаштириш;
2. Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилишини ички аудит фаолиятига оид қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини таъминлани;
3. Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилишини таъминлани;
4. Ички аудит бўлими томонидан йиллик иш режасининг бажарилишини йил якунига қадар тўлиқ таъминлани чораларини кўриш;
5. Қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) тизимини ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудитни амалга оширишни йўлга кўйиш;
6. Телерадиокомпания тизимидағи бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ҳамда ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатлар мониторингини юритиш;
7. Ички аудит бўлими ходимларининг малакаларини доимий равиша ошириб бориш чораларини кўриш;
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан белгиланган мақсадли индикаторлари бажарилишини таҳлил килиш ва баҳолаб бориш.

Б. Ахмедов
Ички аудит бўлими бошлиги


15.11.2024 йил.
(кун, ой, йил)

А. Жабборов
*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
масъут ходими*


15.11.2024 йил.
(кун, ой, йил)